



Кабрни очган навкарлар хайратдан лол бўлиб қолишди. Улар Хуросон ҳукмдорини Хиротдаги ўзи қурдирган мадрасага шохона дафн қилиш учун муваккат кабрни очишганди. Не ажабки, мурданинг тирноклари синиб кетган, кафан ярим ечилган, ҳамма ёқда қон доғлари қотиб қолганди. Демак, подшоҳни ҳушидан кетганда ўлди, дея тириклайин қўмгандилар. Афтидан у ҳушига қелиб ўзини димиккан лаҳадда кафанланган ҳолда қўргач, бор қучи билан кабрдан чиқишга интилан. Аммо Хуросон ҳукмдори Хусайн Бойқарога кабрдан чиқиш насиб этмаганди.

Султон Хусайн Бойкаро (1438-1506) 36 йиллик Хуросон хукмдори, шунингдек, Хусайний тахаллуси билан шеърлар битган шоир, хукмдорлигининг илк даврида мамлакатида ободончилигу фаровонлик ишларини бошлаган, адабиёту санъат хомийси, хазрат Алишер Навоийнинг дўсти сифатида маълум.

Аммо унинг фожиаси ва кора кунлари Хадичабегим исмли гўзал аёлни канизак сифатида харамига олган 1470 йилдан бошланди. Ўз ишваю нозлари билан султонни ўзига ром қилган Хадичабегим оз вақт ичида Хусайн Бойкаронинг хотини, малика даражасига етишди. Шунингдек, у «махди улё» унвони билан ичкиликбозликка тобора берилаётган султоннинг сиёсат тизгинини қўлига олиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим роль ўйнай бошлади.

Ачинарлиси шундаки, бутун салтанат мусулмонлари Имоми Аъзам мазхабига риоя қилган бир вақтда, Хусайн Бойкаронинг завжаси, малика Хадичабегим шиаликнинг ўта мутаассиб оқими бўлган рафизия мазхабининг вакиласи эди.

Хатто султон маликанинг таъсирига берилиб, бутун аҳли суннат вал жамоат олдида намоздаги хутбага ўн икки имомнинг исмларини қўшиб ўқитишгаям қарор қилади. Шукрки, фожиали тугаши мумкин бўлган ҳолатни Навоий ва Жомийлар бартараф қилиб, султоннинг қарорини ўзгартирадилар.

Хадичабегимнинг бундай ҳаракатлари ва султонни тобора ўз таъсирига олиши, хатто Хусайн Бойкаронинг фарзандлари Бадиуззамон ва Музаффар Мирзо орасидаги нифокка сабаб бўлади. Мамлакат ички низолар исқанжасига тушиб қолади.

Айникса, Навоий хазратларидек зот ҳам султоннинг невараси сиймосида бўлажак адолатли ва қудратли хукмдор сифатида Мўмин Мирзони қўриши қўпга бормади. Орзу ва умидлар сўнди. Негаки, ўн бир яшар навқирон шахзода ҳам Хадичабегимнинг найранг тўрида жон берди. 1497 йили малика бир гўзал кизни Хусайн Бойкарога рўпара қилиб, айш-ишрат пайтидаги мастлик даврида Мўмин Мирзони камон ипига тортиб ўлдириш ҳақидаги фармонга муҳр бостирди.

Ихтиёриддин калъасида сакланган шахзода бобоси мухр босган фармонни кўриб, «васиятим шулки, ишингиз битгач, бобом фармонини ўша камон ипининг бир қаричи ила боғлаб, ўзларига қайтариб беринг. Бобомга айтингки, ўз авлоди ила мурсога келолмай жаллод хизматиға мухтож подшоҳ салтанати узокка бормагай!» дея жаллодлар кўлида шахид бўлди.

Камон ипи билан бўғиб ўлдирилган Мўмин Мирзони хийлагар малика «Шахзода қаъла девори оша хибсдан қочаман дея ҳалок бўлди», деб овоза тарқатишга уринди.

Аммо сир ошқор бўлди. Бойкаро қайфи тарқаб, ўзига келгач, мудҳиш ишга қўл ургилганини англади.

Хусайн Бойкаронинг қора қунлари дўсти Мир Алишер Навоийнинг 1501 йилдаги ўлиmidан кейин яна забтига олди. Дўстини ҳаётда ҳам ҳурмату эъзоз қилган султон улуг шоирнинг дафн маросимиға бошчилик қилди. Марҳум дўстининг қариндошларига қоят меҳр кўрғазиб, Навоий вафотининг йигирманчи қунида Сари Хиёбон майдонида қатта маърақа уюштирди.

Ана шундан кейин Хусайн Бойкаро янада оғир қунларни бошидан кечирди. Хуросонда ички низолар ва парокандалик авж олди. Бу вақтга қелиб ҳаёти ва салтанатининг асл таянчи бўлган Навоийдек дўстидан айрилган, кексалик онларини шароб билан қориштириб сархуш ўтқазаётган Бойкаро салтанати таназзулга учраётганди. Негаки, Мовароуннахрни фатҳ қилган Шайбонийхон Жайхунни қечиб, Балхни қўлга олган, энди Хиротдек шаҳри азимга яқинлашиб қелмоқда эди.

Айниқса, 1506 йилда жангу жадалларда Шайбонийнинг қўли баланд қелиб, Бойкарони мағлубиятга учратиши аниқ бўлиб қолган эди. Шу йили зулҳижжа ойидаги, Бобо Илохий мавзесидаги жангда Шайбонийхон қўшини Хирот томон шиддат билан интилади, Бу вақтда шаробхўрликни одат қилиб олганидан Бойкаронинг ёнокларидаги майда қизил томирлар тарам-тарам бўлиб бўртиб турар, елкаси букчайиброк қолган, буйраги ва жигари ишдан қикқан, қасалманд ҳолга қелиб қолганди. Натижада, бир томондан ҳасталиги, иккинчи томондан мағлубият аламидан Бойкаро ҳушидан қетиб, вужудида ҳам ҳаёт-мамот жанги қечарди. Оқибатда қоғожа юз берди. Душман тобора қаройға яқинлашаётганида, амалдорлари унинг қуқур уйқуга қетганини қилмай, ўлдига қикариб, жанг арафасида қуни душмандан ҳамда ўз қўшинидан яшириш мақсадида уни шоқилинч қавишда дафн этдилар. Бу султон Хусайн Бойкаронинг энг қаро қуни эди.

Умид Бекмухаммад